



UZBEK FORUM
FOR HUMAN RIGHTS

10

ЙИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА
САНОАТИДА БОЛАЛАР
ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ
БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК
МОНИТОРИНГ ВА ҲИСОБОТ





Бу йил Ўзбек форуми Ўзбекистондаги пахта терими бўйича мониторинг ўтказиб, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ислохотлар талабини кетма-кет ўнинчи йилдирки илгари сурмоқда. 2020 йилги йиғим-терим ишлари бошланиб, ташкилотимиз жасур инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари билан биргаликда мажбурий меҳнат тизимини ошкор қилиш бўйича қандай иш олиб борганига назар ташлаймиз.

10 ЙИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА
САНОАТИДА БОЛАЛАР
ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ
БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК
МОНИТОРИНГ ВА ҲИСОБОТ


Ўзбек форуми* (собик Ўзбекистон-Германия форуми/ЎГФ) мониторингни бошлаганида Ўзбекистон ҳукумати дунёдаги давлат ҳомийлигидаги энг катта болалар ва мажбурий меҳнат амалиётини бошқарган. Миллионлаб одамларни ҳар йили ҳафталар ёки ойлар давомида кундалик фаолиятдан воз кечишга мажбур қилган, мактабларнинг ёпилиши, касалхоналарнинг тўлиқ ишлай олмаслиги, иқтисодий самарадорлик пасайиши ва одамларнинг ўз танловини амалга ошириш учун асосий эркинлигини чеклашга олиб келган тизимнинг тўлиқ ижтимоий таъсирини баҳолаш қийин. Ҳанузгача мажбурий меҳнат тизимининг жамият ва иқтисодиётга етказган улкан оқибат ва йўқотишлари, шу билан бирга, сон-саноксиз шахсий фожеалар билан курашишга Ўзбекистоннинг қурби етмаяпти. Ислоҳотлар жараёни нашъа бераётган бир пайтда сергак мулоҳаза юритиш ва вазиятни таълим, соғлиқни сақлаш ва жабрдийда жамиятга сармоя киритиш йўли билан тузатишга уринишлар ҳам зарур.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ТИЗИМИНИНГ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ


*2020 йилда Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми (ЎГФ) ўз номини Ўзбек форуми деб ўзгартирди. Шунинг учун ҳисоботларнинг аксарияти ЎГФ номи остида нашр этилди. Изчиллик бўлиши учун ушбу мақолада барча ўринларда Ўзбек форуми деган янги ном ишлатилган.

МАКТАБНИНГ БЎШ СИНОФОНАСИ,
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ, 2011 ЙИЛ





Ушбу мақолада биз ўтган ўн йилни қайта кўриб чиқиб, бу йўлдаги баъзи қийинчиликлар, марралар ва ютуқларга урғу берамиз. Ўзбекистонда мажбурий меҳнат қурбонларига оид ҳар бир ҳодиса ёки қатор йўқотишларни ва барбод бўлган ҳаёт оқимининг барчасини бир тўпламга жамлашнинг иложи йўқ. Шу билан бирга, умумлаштирилган ушбу текширув ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эканини, секин кечса-да, кўпинча қимматга тушишини намойиш этади. Дарҳақиқат, бугунги кунда биз кузатаётган ўзгаришлар, шу жумладан, фуқаролик жамияти кузатувчилари энди ХМТ учун мониторинг ўтказиш имкониятига эгаллиги бир томон. Агар бунга ҳеч ким жазм қилмаган бир пайтда Ўзбек форумининг жасоратли кузатувчилари ва дунёга йиллар давомида мажбурий меҳнат тўғрисида мустақил маълумот тақдим этган бошқа фаолларнинг саъй-ҳаракатлари бўлмаганида, бу ўзгаришлар юз бермаган бўларди.



Бу кузатувчи ва фаоллар улкан таҳдид остида ишлаб, жуда кўп азоб-уқубатлар чекди.

Ушбу мақолада айрим таъқиблар ҳақида сўз юритилган, аммо бундай ҳолатлар жуда кўп.

Ҳукумат ва дунёнинг қолган қисми уларга миннатдорлик билдириши ва етказилган зарарни қоплаши керак.

2009

Уруғ қадалди

Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари фаоллари ва Ўзбек форуми ташаббуси билан имзоланган ва ўзбек пахтасини бойкот қилишга чақирилган петиция ушбу масаладан хабардорликни оширди ҳамда жамоатчилик фикрини рағбатлантирувчи халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилди. Ўзбек форуми нодавлат нотижорат ташкилотлар, олимлар, инвесторлар, саноат ва касаба уюшмаларидан иборат “Пахта кампанияси” (Cotton Campaign) халқаро коалициясининг яқин ҳамкорига айланди. Ўзбек форумининг пахта йиғим-теримини мустақил равишда мониторинг қилиши “Пахта кампанияси” тарғибот ва коммуникация стратегиясининг асосини ташкил этади.

Ўзбек форуми Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича адолат фонди (Environmental Justice Foundation) билан ҳамкорлик қилиб, 2009 йилги пахта йиғим-терими бўйича ўтказилган мониторинг натижалари асосида қўшма ҳисобот нашр этди.

2010

Бечора болалар

Ҳар йили мажбурий равишда пахта теримига юбориладиган мактаб ёшидаги болалар сони тахминан бир миллионга етган. Ҳукумат ташкил қилган автобуслар мактабларда тўпланган болаларни олиб, жазирама куёш ва зарарли кимёвий моддалардан деярли химояланмаган далага элтади. Ёш болалар кунига 30–60 кг пахта териши керак. Еттинчи синфдан юқори бўлган болалар узок вақт оиласидан ажралган ҳолда ачинарли жойда яшаб, кўпинча сувсиз, иссиқлик манбаисиз ва озик-овқат етишмайдиган шароитда ётоқда қолишади. Тўқроқ яшайдиган ота-оналар фарзандларининг уйга касал бўлиб қайтиб келишини билгани учун уларни далага жўнатиш ўрнига маҳаллий ҳокимият органларига пул беради.



2010

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича адолат фонди ва Қулликка қарши (Anti-Slavery International) халқаро ташкилотнинг 2010 йилги теримга оид қўшма ҳисоботида болаларни далаларга сафарбар қилишнинг оғир шароитлари батафсил баён этилган. Белгиланган режаларни бажармаганлик учун болалар ватанпарвар эмасликда айбланиб, ҳақорат қилинган ва ҳатто калтакланган. Йўқотилган мактаб соатлари сонини ва ушбу амалиётнинг болаларнинг тарбияси, соғлиғи ва шахсий ривожланишига таъсирини ҳисоблаб чиқиш мушкул.

Ўзбек форуми ECCHR ва Шерпа билан биргаликда Франция, Германия, Швейцария ва Буюк Британиядаги еттита пахта дилерига қарши мажбурий болалар меҳнатидан фойда кўргани учун OECDга қўшма шикоят хати йўллади.

2010 йилда сўнгги ўн йилликдаги энг катта ҳосил олинади, аммо пахта режаси бажарилганига қарамай, болаларни далаларга жўнатиш давом этади.

Ўзбек форуми пахта далаларида болалар меҳнатидан фойдаланиш кўлами тўғрисида биринчи видеорепортажини чиқаради.



ПАХТА ЎСИМЛИК ЭМАС, СИЁСАТДИР

2011

Ўзбек форуми 2011 йилги терим мавсуми ҳақидаги “Пахта ўсимлик эмас, сиёсатдир” номли ҳисоботида давлат томонидан уюштирилган мажбурий меҳнат тизимини фош қилади. Кейинроқ бош вазир Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги соҳаси ва пахта йиғим-теримини назорат қилиш, ҳокимлар ва бошқа давлат мансабдорлари билан мунтазам равишда конференция ўтказиш учун шахсан масъул бўлади.

Европарламент пахта саноатида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш давом этаётганидан хавотир билдиргани сабабли Ўзбекистон билан савдо битимини узайтириш тўғрисидаги таклифни аксарият ҳолларда рад этади, аммо мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ва мажбурий меҳнат билан шуғулланадиган ҳамкорлар билан қилинган маҳсулотлар савдосига қарши қонунларни қўллашни тўхтатади.

Болалар меҳнатидан фойдаланишни мониторинг қилиш жараёнида расмийлар мустақил журналистлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини, шу жумладан, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари альянси раҳбари Елена Урлаевани таъқиб қилишади ва ҳибсга олишади.

Хавфсиз муҳит ва ғамхўрлик етишмаслиги терим пайтида болалар иштирокидаги фожеали ҳодисаларга олиб келади. 2011 йил 24 сентябрда Қашқадарё вилоятида яшовчи 13 ёшли Баҳодир Пардаевни пахтадан қайтаётганида машина уриб юборган. Бола 22 кун давомида комада ётиб, нутқ қобилиятини буткул йўқотган.

Ўзбек форуми Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Ўзбекистондаги ижросини кўриб чиқиш тўғрисидаги ҳисоботни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасига тақдим этади.

Ўзбекистон ҳукумати болалар ва мажбурий меҳнат мавжудлигини инкор этиши баробарида халқаро ҳамжамиятнинг аксарияти ҳам муаммонинг жиддийлигига енгил қаради. Тошкентдаги дипломатлардан бири ўзбекистонлик талабаларнинг ҳар йили пахта далаларида бўлишини “улар гитара чалиб, тропик аралашмаларни истеъмол қиладиган маросим ва қизиқарли ижтимоий тадбир”, деб таърифлаган.

2012

ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРАДИ

2012 йилги терим бўйича қўшма ҳисоботда Ўзбек форуми ва “Пахта кампанияси” Ўзбекистон ҳукуматини болалар ва катталарнинг мажбурий меҳнатига барҳам бериш учун тезкор чоралар кўришга чақириб, Халқаро меҳнат ташкилотига юқори даражадаги уч томонлама кузатувчилар миссияси тузишни тавсия қилади. Ҳисоботда қуйидагича ёзилганди:

Ушбу тавсиялар барқарорлик ва қонун устуворлиги ҳукуматлар ва хусусий сектор манфаатларига мос келади, деган асосдан келиб чиқади. Мажбурий меҳнатга қарши туриш тўғрисида қарор қабул қилишда ҳукуматлар ва компаниялар, ниҳоят, Ўзбекистонда сиёсий ўзгаришлар юз бериши керак, деб ҳисоблаб, дунё куллик тизимини тугатиш учун барча имкониятларини ишга солган-солмаганини Ўзбекистон халқи узок йиллар эслаб юради.

2012 йил июль ойида халқаро босимга жавобан ўша пайтдаги бош вазир Шавкат Мирзиёев болалар меҳнатини тақиқловчи миллий қонунчиликка мувофиқ, мактаб ўқувчиларини энди пахта теримига жўнатмаслик тўғрисида буйруқ чиқарди. Бироқ ушбу илк қадам жуда ёш болаларни қамраб олиб, ўрта мактаб ўқувчилари ва коллеж талабалари ҳануз давлат томонидан пахта теримига юбориларди. Ҳар куни керакли микдордаги пахтани термайдиган талабаларга ҳақорат қилиш, калтаклаш ва ўқишдан ҳайдаш каби жазолар билан таҳдид қилишади.

Каримов режимининг шафқатсиз усуллари мажбурий меҳнат тизимини мустаҳкам ушлаб туради. 2012 йил сентябрь ойида расмийлар инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Ўктам Пардаевни “безорилик” ва “хокимият вакилига қаршилик кўрсатиш” айбловлари билан 15 кундан ортиқ вақт ҳибсда ушлаб, калтаклашган.



БОСИМ ТОБОРА **КУЧАЙДИ**

2013

ЎЗБЕКИСТОНЛИК
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
КУЗАТУВЧИЛАРИНИ
ҲИБСГА ОЛИШ, ҚАМОҚ
ВА ҚЎРҚИТИШ ЙЎЛИ
БИЛАН ОҒИЗЛАРИНИ
ЁПИШДИ.


Ниҳоят, Ўзбекистон ҳукумати ХМТга “Пахта кампанияси” кўп йиллардан буён амалга ошириб келаётган терим мониторинги учун мамлакатга киришга рухсат берди. Бироқ ХМТнинг давлат хизматчилари ҳамроҳлигидаги мажбурий меҳнатга жалб қилишга доир ҳеч бир ҳолатни аниқлай олмайди. Шу билан бирга, ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари кузатувчиларини ҳибсга олиш, қамоқ ва қўрқитиш йўли билан оғизларини ёпишди. Мустақил ўзбек журналисти Сергей Наумов теримда мониторинг ўтказётган пайтда ушланиб, уч кун давомида ташқи оламдан узилган ҳолда “безорилик” сохта айблови билан қамалади. 18 ёшли Наврўз Мўйзинов пахта даласидан терим режасини бажармасдан чиқиб кетгани сабабли милиция томонидан ўласи қилиб калтакланади.

Ўзбек форуми 2013 йилги терим ҳақида “Пахта кампанияси” билан қўшма ҳисоботни эълон қилади. Оилаларни ҳафталаб бири-биридан ажратиш, тоза ичимлик сув ва санитария шароитсиз далалардаги бечораҳол яшаш жойлари, теримчилар озик-овқат ва транспорт учун пул тўлаши, қулларникидек иш ҳақи – булар фуқароларни далага мажбуран жалб қилиш оқибатида юзага келадиган азоб-укубатларнинг айримларидир, холос. Пахта теришдан бош тортиш ҳукумат мансабдорлари томонидан ишдан бўшатиш, нафақаларни бекор қилиш ва ҳатто калтаклаш каби жазо олиб келади.

2013 йилда мажбурий меҳнат тизими натижасида ўн битта фуқаро оламдан кўз юмди. Масалан, пахтани тераётган онасига ҳамроҳлик қилган олти ёшли бола ухлаб ётганида устига пахта юкланиш оқибатида бўғилиб қолади. Унинг жасади фақат тиркама бўшатиладиган сўнг топилади.

Ўзбек форуми Жаҳон банки инспекциясига Марказий Осиёдаги инсон ҳуқуқлари бўйича ассоциация ва Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти билан биргаликда Жаҳон банкининг қишлоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг 2-босқичини текширишни сўраб расмий шикоят юборади. Шикоят Жаҳон банки маблағлари давлат томонидан уюштирилган мажбурий меҳнатга ҳисса қўшишининг олдини олишда банк томонидан бажарилган муваффақиятсиз ишларга қаратилган.

Юздан ортиқ компания ўзбек пахтасини сотиб олмаслик тўғрисидаги кафолатни имзолайди.



ҲУКУМАТНИНГ БОЙЛИГИ -
ХАЛҚНИНГ КУЛФАТИ.

2014

БОЛАЛАР МАКТАБГА ҚАЙТМОҚДА

2014 йилги терим мавсуми - бу барча болалар пахта йиғим-теримсиз мактабда қолишларига рухсат берилган биринчи куз. Бироқ арзон ишчи кучи етишмаслиги бошқа демографик гуруҳларни - талабалар ва катталарни сафарбар қилиш билан қопланади.

Ўзбек форумининг 2014 йилги терим ҳақидаги ҳисоботида ўз жонига қасд қилиш, пахта теримидаги бахтсиз ҳодисалар ва соғлиқ муаммолари натижасида энг кўп ўлим ва шикастланишлар қайд этилди. Бу воқеалар 12 соатгача давом этадиган оғир иш вақтида ҳар килограммига 0,08 доллардан тўланадиган кунлик 80 кггача пахта режаси оқибатида содир бўлади. Даромад озиқ-овқат, турар жой ва далага элтадиган транспорт харажатларини зўрға қоплайди. Шунингдек, ҳисоботда ҳукуматнинг пахта етиштиришдаги товламачиликлари кўлами ҳамда “Женерал моторс” ва “Телиа сонера” сингари трансмиллий компанияларнинг иштироки фoш этилган.

Ниҳоят, бир неча йиллик мунтазам равишдаги халқаро босимдан сўнг Ўзбекистон ҳукумати ХМТ билан “Меҳнатга лаёқатли мамлакат” дастурини имзолайди ва унда меҳнат конвенциялари талабларини амалга ошириш учун ХМТ билан ишлашга ваъда беради.

COVER UP

Ўзбек форуми мажбурий меҳнат ва коррупция тизими ҳақида батафсил маълумот берувчи “The Cover Up – Whitewashing Uzbekistan’s White Gold” (“Ўзбекистоннинг оқ олтинини оқартириш”) номли ҳисоботини нашр этади. Молия вазирлиги пахтаинг харажат ва даромадларини Қишлоқ хўжалиги жамғармаси томонидан бошқариладиган нақд пулсиз кредитлаш тизими орқали назорат қилади. Шаффоф бўлмаган бу жамғарма Ўзбекистон миллий бюджетига киритилмаган.

Жаҳон банки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун иккита янги кредитни тасдиқлайди. Кредит шартномаларида лойиҳа ҳудудларида мажбурий меҳнат ёки болаларнинг мажбурий меҳнати аниқланган тақдирда кредитлар бекор қилиниши ва қайтарилиши ҳамда ХМТ билан учинчи томон кузатуви учун шартномалар тузилади. Ҳукумат вакиллари ҳамроҳлигида ишлаган ХМТ шуни аниқлайдики: “Мониторингда Жаҳон банки лойиҳалари бенефициарлари пахта терими пайтида болалар ёки мажбурий меҳнатдан фойдаланганликлари тўғрисида аниқ маълумот берилмаган”¹.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини таъқиб қилиш шафқатсиз ва беаёв тус олади. Ўктам Пардаев мажбурий меҳнатни назорат қилгани учун жазо сифатида яна расмийлар томонидан ҳибсга олинган. Ўзбек форуми кузатувчиси Дмитрий Тихонов бир неча бор таъқиб қилиниб, жумладан, уйи ёқиб юборилганидан кейин Ўзбекистонни тарк этади. Елена Урлаева бир йил ичида беш марта ҳибсга олинади.

ЕЛЕНА УРЛАЕВА ВА МАЛОҲАТ ЭШОНҚУЛОВА,
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИЛАРИ



ЎКТАМ ПАРДАЕВ,
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ



¹ ХМТ, Учинчи томоннинг мониторинг ҳисоботи, асосий натижалар, 2015 йил, 3-бет.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

2016

«ПАХТА
ТЕРИМИ ҚАЧОН
ТУГАЙДИ? БИЗ
ҲАМ ҚАЧОНДИР
ЎҚИЙМИЗМИ?»

Бир пайтлар пахта йиғим-теримини назорат қилиш вазифаси юклатилган собиқ бош вазир Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрида ўша йили сентябрда вафот этган Ислом Каримовдан сўнг Ўзбекистон президентига айланди.

Юз минглаб талабалар, ҳамширалар, шифокорлар, ўқитувчилар ва бошқа давлат сектори ходимларини ўз ичига қамраб олган мажбурий пахта теримидан бош тортганлар учун ишини йўқотиш, ўқишдан ҳайдалиш хавфи мавжуд эди. Имконияти етганлар ўз ўрнига теримчи ёллаш учун пул тўлайди, бошқалари эса далага ихтиёрий равишда бораётгани тўғрисидаги билдиргиларни имзолашга мажбур.

Ўзбек форумининг 2016 йилги терим мавсуми тўғрисидаги ҳисоботида мамлакатнинг барча ҳудудларида мажбурий меҳнат тизими ҳар томонлама таҳлил қилинган. Унда ҳафталаб пахта теришга мажбур бўлган, ҳатто мавсум охирида озгина пахта қолса-да, теримдан бош тортганлик учун ўқишдан четлатиш билан таҳдид қилинаётган талабаларнинг оғир аҳволи ёритилган.

Инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг норозиликлари ва доимий ҳамда кенг тарқалган мажбурий меҳнатга қарамай, Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан тўқимачилик савдо битимини қўллаб-қувватлайди.

Ҳуқуқ ҳимоячилари Елена Урлаева ва Малоҳат Эшонкулова ҳибсга олиниб, терим жараёнини кузатиш пайтида уларга ҳокимият вакиллари томонидан шафқатсиз ва ҳақоратомуз муносабат кўрсатилади. Воқеалар ғалати талқин қилиниб, ҳукумат мулозимлари инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини давлатнинг йиллик пахта режасини бажармаганликда айблайди.

Ўзбек форуми директори Умида Ниёзова Халқаро меҳнат ҳуқуқлари форумининг Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари мукофотини ўзбек ҳуқуқ ҳимоячилари Ўктам Пардаев, Елена Урлаева ва Дмитрий Тихонов номидан қабул қилади.



УМИДА НИЁЗОВА

ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ ФОРУМИ
ДИРЕКТОРИ ВА АСОСЧИСИ

ТАЛАБАЛАР ЎҚИШЛАРИ МУМКИН

2017 йил ёзида Ўзбек форуми талабаларни пахта теримига сафарбар қилишни тўхтатишга чакирилган петицияни бошлайди.

Ўзбек форуми Human Rights Watch билан ҳамкорликда 2015 ва 2016 йиллардаги терим ҳақида 115 саҳифали ҳисобот тайёрлади ва Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ярим миллиард долларлик лойиҳаларидаги болалар ва мажбурий меҳнат билан алоқаларни очиб берди. Бу саъй-ҳаракатлар президент Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ минбаридаги нутқида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш тарихий равишда жамоатчилик томонидан тан олиншига олиб келади.

Мирзиёевнинг нутқидан сўнг Жаҳон банкининг ўша пайтдаги президенти Жим Ёнг Ким Мирзиёевни мажбурий меҳнатга барҳам бериш учун ислохотларни амалга оширишга чақирди. Эртаси куни Ўзбекистон 200 мингта талабани ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимларининг бир қисмини пахтадан қайтаради. Ўшандан бери бирорта ҳам талаба пахта теришга мажбурланмаган.

Ўзбек форумининг 2017 йилги “Биз қўрқувдан пахта терамиз” (“We Pick Cotton out of Fear”) сарлавҳали ҳисоботи доимий равишда олиб борилаётган мажбурий меҳнатни тасдиқлаб, инсон ҳуқуқлари бузилиши ва мажбурий меҳнатни Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар билан қайта боғлайди. Шунингдек, ҳисоботда марказий ҳукумат ҳудудий ва маҳаллий ҳокимликларга теримчиларни сафарбар қилиш бўйича кўрсатмалар беришда давом этаётгани айтилади.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини таҳдид, таъқиб ва ўзбошимчалик билан ҳибсга олишлар давом этади. Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Елена Урлаевани 2017 йил 1 мартда психиатрия клиникасида мажбурий ушлаб туриш пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг унга нисбатан муомаласидан ташвиш билдирилган баёнотини эълон қилди.

Журналист ва блогер Бобомурод Абдуллаев давлатни ағдаришга уринганликда айбланиб ҳибсга олиниб, қамокда қийноққа солинганлиги сабабли Ўзбекистонда норозилик овозига нисбатан сабр-тоқат чегараси тобора ниҳоясига етиб боради.

Ўзбекистон ҳукумати давлатнинг азалий монополиясига чек қўйиш учун пахтачиликни хусусийлаштиришни бошлайди.

“БИЗ ҚЎРҚУВДАН
ПАХТА ТЕРАМИЗ”



ЯНГИ БОРЛИҚ

2018

“УЛАР БИЗГА
ПАХТА ТЕРИШГА
МАЖБУР
ЭМАСЛИГИМИЗНИ
АЙТИШГАН
БЎЛСА-ДА, ЭНДИ
БИЗНИ ДАЛАГА
ЮБОРИШМОҚДА”.

Ўзбекистон ҳукумати ўнлаб сиёсий маҳбусларни озод қилди. Ҳукумат сиёсатини танқид қиладиган мустақил онлайн блогерлик жамоати тобора кўпайиб бораётгани Мирзиёевнинг ислохотлар жараёни самимий ва ҳатто демократик ўзгаришларга йўл очиб бериши мумкин, деган умидларни кучайтирди. Мирзиёевнинг баландпарвоз ислохотчилик ҳаракатлари самараси ўларок, мамлакатга миллионлаб долларлик сармоялар кириб кела бошлади.

Ўзбек форумининг 2018 йилги терим бўйича ҳисоботида далаларга юборилган теримчилар сонини қисқартириш бўйича эришилган сезиларли ютуқлар тан олинса-да, аммо ишлаб чиқариш режалари каби тузилмавий омиллар туфайли кенг тарқалган мажбурий меҳнат давом этгани таъкидланади.

Фермерларнинг вазияти тобора хавфли бўлиб бормоқда. Ўзбек форуми фермерларнинг пахта режаларини бажармаганлиги учун олиб қўйилган ерлари ва уларнинг қашшоқлашиши, баъзан ўз жонига қасд қилишига сабаб бўлган кўплаб ҳолатлар ҳақида хабар берган.

Бир неча йиллар давомида мустақил кузатувчилар томонидан тўпланган терим натижаларини уйдирма деб рад этганидан сўнг илк бора ҳукумат вазирлари “Пахта кампанияси” аъзолари билан уларнинг Тошкентга ташрифи чоғида бевосита алоқада бўлишди.

Ўзбек форуми “халқаро эътирофга лойиқ муҳим иш”и учун Инсон ҳуқуқлари ва бизнес мукофотига номзод бўлиб, Умида Ниёзова Ўрта ер денгизи журналистлари форумининг “Тинчлик учун журналист” мукофотини олди.

2019

ОЛДИНГА БИР ҚАДАМ...

“ТОШКЕНТДАГИ
ИСЛОҲОТЛАР
ҲАНУЗ БИЗГА ЕТИБ
КЕЛГАНИ ЙЎҚ”

Мухим ўзгаришларга қарамай, 2019 йил ҳосили халқаро ҳамжамиятда кўпчилик кутган мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ижобий натижаларни кўрсатмади. Теримчиларга пул тўлаш учун ходимлардан товламачилик қилиш, уларни далаларга юбориш тўғрисидаги вазирликлар буйруқлари чиқиши ва ҳуқуқ ҳимоячиларини таъқиб қилишлар давом этди.

Ўзбекистон ҳукуматининг илтимосига биноан, “Пахта кампанияси” пахтачиликда мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича тавсияларнинг йўл харитасини ишлаб чиқади. Кейинчалик бир қатор тавсиялар амалга оширилган бўлса-да, Ўзбек форумининг 2019 йилги терим ҳисоботида хизматчиларни ишга ёллаш бўйича самарали усулларнинг етишмаслиги ҳукуматнинг мажбурий меҳнатдан фойдаланишда иштирок этишининг олдини олишдаги асосий тўсиқ сифатида келтиради. Бундан ташқари, Ўзбек форуми фермерларнинг ерлари хусусий пахтачилик корхоналари фойдасига ноқонуний равишда мусодара қилинганлиги тўғрисида хабар беради.

300 дан ортиқ халқаро бренд ва чакана савдо корхонаси ўзбек пахтасини мажбурий меҳнат хавфи бўлган тақдирда сотиб олмаслик тўғрисида қафолат беришди. Ўзбекистон эса АҚШ Давлат департаменти Одам савдоси тўғрисидаги ҳисоботининг мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар бўйича 2-даражали назорат рўйхатида қолмоқда.

Европа Иттифоқи парламенти Ўзбек форуми ва бошқа ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ва мажбурий меҳнатни бекор қилиш борасидаги вазиятни яхшилаш бўйича тавсияларини маъқуллайди.

2020

ОЛДИНГА ЙЎЛ

Январь ойида “Пахта” кампанияси иштирокчиларининг иккинчи делегацияси мажбурий меҳнатни тақиқловчи қонунларни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ҳукумат вазирлари билан учрашиш учун Тошкентга ташриф буюрди. Ташриф давомида маҳаллий фуқаролик жамияти фаоллари тақиб қилиниб, “Пахта кампанияси” вакиллари билан учрашишларига ҳалал берилади.

2020 йил март ойида Ўзбекистон ҳукумати ниҳоят Ўзбек форуми ва бошқалар йиллар давомида кузатиб келган мажбурий меҳнатнинг асосий ҳаракатлантирувчилардан бири бўлган давлат пахта режасини бекор қилди. Президент фармонларида маҳаллий ҳокимият органлари энди пахта теримида жалб этилмаслиги белгилаб қўйилган. Мажбурий меҳнат тақиқлангани, теримчиларнинг иш ҳақи оширилгани ва шикоят бериш учун ишонч телефонлари ишга туширилгани тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш бўйича кенг тарқалган ахборот кампанияси далада ишлашга мажбур бўлганлар сонининг камайишига катта ёрдам берди.

2020 йил апрелдан бошлаб мажбурий меҳнат ва болаларни мажбурий меҳнатга жалб этиш уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланадиган жиноят ҳисобланади.

“Пахта кампанияси” эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни англаган ҳолда асосий меҳнат ҳуқуқларини кафолатлайдиган ва мамлакатга брендларни қайта жалб қиладиган қатъий шароитларда ўзбек пахтасини етказиб беришни осонлаштирадиган “Масъулиятли етказиб бериш шартномаси” асосларини ишлаб чиқишни бошлайди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ХИМОЯЧИЛАРИ,
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН “ЧИРОҚ”
ТАШАББУСКОР ГУРУҲИНИНГ





ФОТО КРЕДИТ: ©ЭЛЁР НЕЪМАТ

“ОЛОВДАН ДОШҚОЗОНГАЧАМИ?”

Июнь ойида Ўзбек форуми Олстер университети билан ҳамкорликда Ўзбекистон пахта саноати билан боғлиқ коррупциявий амалиётлар тармоғи батафсил баён қилинган ҳисобот чиқарди. Ҳисоботда Ўзбекистондаги энг йирик тўқимачилик корхоналари ва уларнинг сиёсий таъсирга эга шахслар билан алоқаларига оид бир қатор далиллар келтирилган.

Айни пайтда Ўзбек форуми Мирзиёев ислохотлари дастури самарадорлиги ва барқарорлиги учун синов бўлган 2020 йилги теримни мониторинг қилмоқда. Ҳали хулоса қилишга жуда эрта бўлса-да, биринчи далиллар мамлакат бўйлаб мажбурлаш ва товламачилик ҳолатларини тасдиқлайди.

Ушбу далиллар шу кунгача эришилган тараққиётни уюшмалар эркинлиги, сўз эркинлиги ва бошқа асосий инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлайдиган кенгрок ислохот дастуридан ажратиб туриш қийинлигини тасдиқлайди. Фуқаролик жамияти фаолият юритиши мумкин бўлган мустақил касаба уюшмалари ва фуқаролик жамияти гуруҳларини шакллантириш учун қулай муҳит бўлмаса, қўрқув ва тўсиқларсиз мониторинг қилиб, ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисида хабар беришнинг имкони топилмаса, мажбурий меҳнатга барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тўхтаб қолиши мумкин. Биз сизни хабардор қилиб тураемиз.



UZBEK FORUM
FOR HUMAN RIGHTS

БАРЧА ФОТОСУРАТЛАР

© ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФОРУМИ

МУАЛЛИФ: УМИДА НИЁЗОВА

2020 ЙИЛ ОКТЯБРЬ

© ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФОРУМИ

<https://www.uzbekforum.org/>

info@uzbekforum.org